

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ КОМИЛ БАХТИЯРОВИЧ

АФФЕКТ ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ҳақимов Комил Бахтиярович

Аффе́кт ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва
криминологик жиҳатлари3

Ҳақимов Комил Бахтиярович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты преступлений,
совершенных в состоянии аффекта23

Khakimov Komil Bakhtiyarovich

Criminal-legal and criminological aspects of crimes committed in the state of
passion43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ КОМИЛ БАХТИЯРОВИЧ

АФФЕКТ ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3 PhD/Yu206 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўразалиев Муродбек Қораевич
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Кабулов Рустам
юридик фанлар доктори, профессор

Абдукодиров Шерзод Ёқубжонови
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 12 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (884-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил 30 ноябрда тарқатилди.

(2019 йил «30» ноябрдаги 6-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Б.Т.Мусаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.З. Тўлаганова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро ҳамжамият, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жиноятчиликни олдини олиш борасида давлатларнинг ўз олдига олган мажбуриятларини бажариши ҳамда шахсни қилмишига яраша адолатли равишда жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашни самарали ташкил этиш зарурлиги мунтазам равишда муҳокама қилиб келинади. БМТнинг маълумотларига кўра, «бугунги кунда жиноий жавобгарлик тизимини янада такомиллаштиришга ва жиноятчиликка қарши кураш тадбирларини ташкил этиш учун ажратилган харажатлар ўртача ривожланаётган давлатларда 95% га, иқтисодий ўтиш жараёнини ўтказаяётган давлатларда 75% га, ривожланган давлатларда эса 50% ўсган»лиги¹ ушбу соҳада давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш вазифасини қўймоқда.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, инсон руҳияти билан боғлиқ равишда содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш, аффект ҳолати ва унга имкон берган сабаб ва шароитларни олдини олиш, аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамызда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида жиноят содир этганлик учун жавобгарликни белгилаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиш ҳамда Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича қатор чоратадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»² суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

¹ <https://www.un.org/development/desa/publications/publication/page/2>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида»ги (2014) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли, «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ–5268-сонли, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сонли фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантиришнинг устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, шунингдек ушбу қилмишларнинг олдини олиш масалалари жуда ҳам кам ўрганилган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан М.Ҳ.Рустамбоев, Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Бестаева, М.Қодиров, М.Усмоналиев, Н.Жуманиёзов, П.Бакунов, С.С.Ниёзова, Э.А.Тожиёв ва Э.Таджибаевлар томонидан ўрганилган.

Айнан аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган чет эл олимлари қаторига А.Н.Попов, А.Елахова, А.Ефимович, А.Н.Шабунина, Б.А.Сидоров, В.И.Ткаченко, И.А.Портнов, И.В.Лысак, Л.А.Андреева, М.И.Галюкова, М.И.Качан, Т.В.Сысоева, Ф.С.Сафуанов, Ш.Р.Раджабов, Э.Сидоренко, Ю.Шарьбурова ва бошқаларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Мавзуни турли жабҳаларини ўрганган хорижий мамлакатлар олимлари қаторига А.В.Наумов, А.И.Долгова, А.Н.Леонтьев, В.В.Нагаев, И.А.Кудрявцев, М.И.Еникеев, Н.А.Подольный, Н.Ф.Кузнецова, О.Д.Ситковская, П.В.Гринвуд, С.Л.Рубинштейн, Э.Ф.Побегайло ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин³. Айни вақтда, шуни тан олиш лозимки, мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аффект ҳолатига асосан психологик нуқтаи назардан ёндашилганлиги боис, мавзунинг кўпгина жиноят-ҳуқуқий ҳамда криминологик жиҳатлари эътибордан четда қолган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, аффект ҳолатида жиноят содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига оид қонун

³Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

нормалари самарадорлигини оширишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб «Ўзбекистон Республикасида интернет тармоғида содир этилган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш», «Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» каби илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади аффект институтининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини комплекс ўрганиш асосида аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда мазкур жиноятнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати тушунчасини, унинг ўзига хос белгилари ва турларини психологик таҳлил қилиш орқали унинг жиноят-ҳуқуқий моҳиятини таҳлил қилиш;

суд-тергов амалиёти ва аффектни айбдор шахс иродавий-руҳий ҳолатига кўрсатадиган таъсирини инобатга олган ҳолда ушбу жиноятларни квалификация қилишдаги мавжуд муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш масаласида вужудга келаётган муаммоларни ўрганиб чиқиш ва уларнинг ечимига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ривожланган демократик давлатларнинг мазкур жиноятларга ҳуқуқий баҳо беришга қаратилган ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатини криминологик жиҳатларини ўрганиш ва статистик маълумотлар ҳамда ўрганилган жиноят ишлари асосида жиноятчи хулқ-атворининг тавсифини ишлаб чиқиш;

мазкур жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасига ҳуқуқий баҳо бериш орқали жиноятчи ва жабрланувчи шахсини ўрганиш;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган аниқ услуб ва стратегик режаларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилиш ва уларни криминологик жиҳатларини аниқлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда

юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида жиноий қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолат ҳисобланиши зарурлиги асосланган;

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмаслиги асослаб берилган;

қўрқитиш натижасида жиноий қилмиш содир этишни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топиш зарурлиги асосланган;

Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, охириги зарурат ҳолатида жиноят содир этган деб топиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида жиноят содир этишни жиноятни истисно қилувчи ҳолатларда жиноят содир этганликдан фарқ қилиши асослаб берилган;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни профилактика қилиш чора-тадбирлари тизими ишлаб чиқилган;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида одам ўлдириш ва қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятлари объектив томонининг зарурий ва факультатив белгилари бир хил эканлиги асосланган;

кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятлар инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқиб, жиноят содир этган шахсларни суд-психиатрик ва суд-психологик экспертизаларидан мажбурий ўтказиш зарурлиги асосланган;

тергов ва суд ходимларининг малакасини ошириш дастурларига аффект ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш бўйича ўқув машғулотларини киритиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, жинойт қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жинойт ҳуқуқи, криминология фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида жинойт ҳуқуқи ва криминология фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этилган жинойтларни квалификация қилиш ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида Жинойт кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жинойт ҳисобланмаслиги ҳақидаги таклиф Жинойт кодексининг 41¹-моддаси биринчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 28 августдаги 06/1-05/2879-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида жинойт содир этган шахсларга одиллик ва инсонпарварлик принциплари асосида жавобгарликдан озод қилишга хизмат қилган;

Жинойт кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун жинойт жавобгарлик тўғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, охири зарурат ҳолатида жинойт содир этган деб топиш зарурлиги ҳақидаги таклиф Жинойт кодексининг 41¹-моддаси иккинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 28 августдаги 06/1-05/2879-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида ўз ҳаракатларини бошқара олган шахсларнинг ҳаракатларига охири зарурат сифатида баҳо беришга хизмат қилган;

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида жинойт қилмиш содир этишни жинойтни истисно қилувчи ҳолат деб топиш зарурлиги ҳақидаги

таклиф Жиноят кодексининг 35-моддаси иккинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 майдаги 160-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлаш натижасида жиноят содир этган шахснинг жиноий хатти-ҳаракатларини қилмиш содир этишни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топишга хизмат қилган;

кўрқитиш натижасида жиноий қилмиш содир этишни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топиш зарурлиги ҳақидаги таклиф Жиноят кодексининг 35-моддаси иккинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 майдаги 160-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши кўрқитиш натижасида жиноят содир этган шахснинг хатти-ҳаракатларини қилмиш содир этишни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Аффектнинг психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида аффект тушунчаси, унинг белгилари ва бошқа эмоционал ҳолатлардан фарқи, аффектнинг жиноят-ҳуқуқий таҳлили ва юзага келишининг ҳуқуқий жиҳатлари, аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати) жавобгарлик ва жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишига доир назарий-ҳуқуқий мунозаралар ўрганилган.

Бунда аффект тушунчасининг психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу тушунча бўйича илмий адабиётларда берилган таърифлар таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан бугунги кунда долзарб аҳамият касб этадиган тушунчани ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Аффект ҳиссиёт ва эҳтирос каби инсонни ташқи ҳамда ички таъсирларга баҳо бериши, унга бўлган муносабатини белгилаб берувчи функциялари фаолиятини ўзида намоён қилувчи эмоциянинг бир кўринишидир.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар ва психологлар (С.Л. Рубинштейн, И.А.Кудрявцев, О.Д.Ситковска, А.Ш.Тхостов И.Г.Колымба, Ф.С.Сафуанов ва бошқалар) томонидан мазкур тушунчани баҳолашга қаратилган турли таърифларни таҳлил қилиб, бу борада илмий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас деган хулосага келган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, аффектнинг ўзига хос мазмуни уни инсоннинг барча руҳий фаолиятига, айниқса унинг англаш даражасига таъсир кўрсатишида ҳамда шу белги орқали бошқа руҳий кечинмалардан ажралиб туришида кўринади.

Мазкур боб доирасида аффектни психологик жиҳатдан ўрганиб чиқиш ўз ичига уни вужудга келишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар ва омиллар таҳлилини ҳам қамраб олиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳолатларга аффектни вужудга келишига имкон берувчи ҳолатлар; шахснинг ёши ва бошқа ўзига хосликлари; асаб тизимининг хусусиятлари; инсон организмни вақтинчалик заифлаштирувчи омиллар ҳамда бошқаларни киритишимиз мумкин.

Аффектни вужудга келтирувчи ва уни қўзғатувчи вазиятларни учга бўлиш мумкин. Булар янгилик, ғайриоддийлик ва қутилмаганлик. Буларнинг барчаси инсонга унинг аввалги ҳаётининг тажрибалари ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда турли даражада таъсир кўрсатади.

Юридик адабиётларда аффектни вужудга келиш механизми борасида деярли бир хил ёндашувлар илгари сурилган бўлиб, унга кўра у уч механизмли даврларни қамраб олиши мумкин: биринчи механизмга кўра, аффект инсонда салбий ҳиссиётлар ва кечинмаларнинг тўпланиши оқибатида юзага келади. Бу ҳолатда аффектни вужудга келтириш учун арзимас бир қўзғатувчи ҳолат ҳам сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин, образли қилиб айтганда “бир томчи асабийлашиш” ҳам аффектни вужудга келтириши мумкин; иккинчи механизм – бу бир маротаба юзага келган жуда кучли қўзғатувчи ҳолатларга, яъни оғир ҳақорат, куч ишлатиш, таҳдид ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан инсон психикасининг реакциясидир; учинчи механизм илгари шаклланган қўзғатувчи ҳиссиётларнинг қайта тикланиши ҳамда аффектни вужудга келишига хизмат қилувчи қўзғатувчи ҳаракатлар билан боғлиқ.

Психология фанида аффектнинг зарурий таркибий қисмлари ва белгилари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади: биринчи, тўсатдан вужудга келиш; иккинчи, аффект шиддатлилиги ва кескинлиги билан ҳам характерланади; учинчи, аффект инсон руҳий фаолиятини бузилишига олиб келади ва уни издан чиқаради; тўртинчи, аффект бир хил ҳаракатланувчи қўзғатувчи жараён билан бир вақтда юз беради; бешинчи, аффект ҳолатида инсон асаб органлари бошқарувида кескин ўзгаришлар юз беради.

Ўрганилган илмий адабиётларда маълум бўлдики, аффектнинг муҳим

белгиларидан бири бу уни шахсни онгли ўзини ўзи бошқарувини тўла амалга оширишига имконият бермаслигидир. Бу “субъектнинг шахсий қобилияти (қуввати)” тушунчаси билан изоҳланадиган ҳодиса билан бир вақтда юз беради. Бу тушунча суд-психологик экспертизасида “юридик аҳамият касб этувчи субъектнинг шахсий ижтимоий қобилияти (қуввати)” сифатида изоҳланади.

Диссертант аффеқтни физиологик ва патологик турларга ажратган ҳолда, уларни фарқловчи мезонлар у кимда қандай шаклда содир бўлиши билан эмас, балки шахсда аффеқтнинг аломатлари қай даражада намоён бўлганлиги билан белгиланади, деган хулосага келган. Ҳар иккала аффеқт тури уч асосий босқичда шаклланади. Булар тайёргарлик босқичи, аффеқтлашган ҳаракатларни амалга ошириш босқичи, яъни руҳий портлаш ва якуний босқич.

Диссертация доирасида аффеқтнинг бир қанча шакллари, жумладан: кумулятив аффеқт, аномал аффеқт, алкоголь мастлик ва наркотик моддалар таъсири остидаги аффеқт, инсон онги ва хулқ-атвориға жиддий таъсир кўрсатувчи эмоционал зўриқиш каби шакллари ҳам таҳлил қилиниб, уларни бир-биридан ажратиб турувчи хусусиятларига баҳо берилган.

Шунингдек, диссертацияда аффеқтнинг «сафарбар этувчи ёки жалб қилувчи» ва «бузувчи ёки издан чиқарувчи» функциялари эътироф этилади. Аммо, инсон руҳий фаолиятининг умумий шаклидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аффеқтнинг энг муҳим функцияси бу унинг «тўсатдан вужудга келтирувчилиги»дир.

Мазкур боб доирасида Ўзбекистон жиноят қонунчилигида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффеқт) ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик нормаларини ўрнатилишининг тарихий босқичлари ҳам таҳлил қилинган бўлиб, 1959 йилги Жиноят кодекси ва 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 98, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби ва уларнинг фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Бундан ташқари, мазкур боб доирасида аффеқт таркибли жиноятлар бўйича ривожланган давлатлар (Германия, Франция, Япония, Испания, МДХ давлатлари ва бошқалар)даги жиноят қонунчилиги, аффеқтнинг жиноий-ҳуқуқий белгилари ҳам таҳлил қилинган.

Диссертация доирасида амалиётга оид ўнлаб суд-ишлари таҳлил қилинган ҳолда ушбу тоифадаги жиноятларни квалификация қилиш масалаларига оид муаммолар ўрганиб чиқилган.

Тадқиқотчи ҳозирги вақтда аффеқт тушунчасини умумий психология, жиноят-ҳуқуқий ва суд-психологик эксперт сифатида тушунишнинг уч хил йўналиши мавжуд бўлиб, бу ҳолат ўз навбатида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффеқт) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни турли талқин қилинишига ҳамда амалиётда нотўғри квалификация қилишга сабаб бўлмоқда, ҳар қандай ҳолатда ҳам экспертлар томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффеқт) ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришда қонун чиқарувчи томонидан белгилаб берилган аниқ белгилар ва мезонлардан келиб чиқиш лозим, деган хулосага келган.

ЖК 98, 106-моддалари инсон ҳаёти ва соғлиғига турли даражада зарар етказишга қаратилган бўлса-да, содир этилиш шартлари ҳамда хусусиятларига кўра бир хил шакл ва талабларда юз беради. Лекин, ушбу икки жиноят қонуни

нормасининг тузилишида аффект ҳолатини вужудга келтирувчи ҳолатлар ва шартлар бир-биридан фарқланади.

Хусусан, ЖК 106-моддаси диспозициясида келтирилган «айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар» белгиси ЖК 98-моддасида умуман назарда тутилмаган. Шунини инобатга олган ҳолда, ЖК 98, 106-моддаларидаги аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатини вужудга келтирувчи омиллар ва талабларни бирхиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятлар енгиллаштирувчи таркибли жиноятлар сирасига киришини инобатга олсак, уларнинг таркиби ва ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жиноятларни енгиллаштирувчи таркибли жиноятлар тоифасига киришига қуйидаги икки ҳолат асос бўлиб хизмат қилади: биринчидан, ушбу жиноятларда айбдор ўзига хос руҳий ҳолатда, яъни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида ҳаракат қилади, иккинчидан, жиноят ҳуқуқи ва криминология нуқтаи назаридан жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида аффект фактининг мавжудлиги эмас, балки айбдорда аффект ҳолатини асосли равишда вужудга келганлиги, яъни уни вужудга келишига бош омил бўлиб жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ахлоққа зид хулқ-атвори хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида аффект (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида содир этилган жиноятларнинг объектив белгилари, аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг субъектив белгилари, аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқи каби масалалар атрофлича таҳлил қилинган.

Жумладан, аффект ҳолатида қасддан одам ўлдириш ва қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жиноятларининг объекти ушбу жиноятларнинг ўзига хос ижтимоий хавфлилиқ даражасини белгилаб беради. Бу аввало, ўзга шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ёки унинг соғлиғига жиддий зарар етказишда ифодаланади. ЖК 98, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг бевосита объекти сифатида ўзга шахснинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Таҳлил қилинаётган жиноятда объектив томоннинг энг муҳим белгиларидан бири сифатида сабабий боғланиш намоён бўлади. ЖК 98, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларда икки шаклда сабабий боғланишни аниқлаш мумкин:

биринчидан, аффектлашган кўзғатувчи таъсир ва унинг асосида содир этиладиган ҳаракатлар ҳеч бўлмаганда ЖК 98, 106-моддаларида назарда тутилган жабрланувчининг бирор-бир ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир этилган ҳамда у билан ўзаро боғланган бўлиши лозим;

иккинчидан, жабрланувчининг ўлими, унга етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст айнан айбдорнинг аффект ҳолатида содир этган ижтимоий хавфли

қилмиши натижасида юз берган бўлиши лозим. Бошқа рухий бузилишлар (рухий зўриқиш, фрустрация ва шунга ўхшаш ҳолатлар) натижасида етказилган зарар аффект ҳолатида етказилган зарар тариқасида баҳоланмаслиги керак.

Бу ўринда жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, биринчидан, аффект вужудга келишининг асосли эканлигини ва иккинчидан, у аффект ҳолатини вужудга келтиришга етарли бўлиши даркор. Ушбу нисбий ўлчовни амалга ошириш бугунги кунда суд-тергов органлари зиммасига юклатилган. Мазкур ҳолатда ҳар томонлама жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва айбдорнинг жавоб реакциясини батафсил таққослаб таҳлил қилиш ҳамда, энг муҳими, ушбу ҳолатни тўғри баҳолай билиш керак. Бу кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни бир қолипга солиб, ҳар бир жиноят ишини бир хил шаклда баҳолаш имкониятининг мавжуд эмаслигини ва ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашув талаб қилинишини англатади.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, айбдорда аффект ҳолати зўрликнинг ҳар икки шакли натижасида вужудга келиши мумкин. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, зўрлик тушунчасини жиноят қонунчилигида ёки Олий суд Пленуми қарорларида мустаҳкамланмаганлиги ва унинг мезонлари ҳамда шаклларининг белгилаб берилмаганлиги уни турлича талқин қилинишига олиб келиши табиий ҳол. Шу билан бирга, рухий зўрлик мазмунини нима ташкил этиши ҳақидаги фикрлар ҳам олимлар ўртасида турли ёндашувларга олиб келган.

Диссертант томонидан ҳақоратнинг даражасини аниқлашда олимлар ўртасида турли ёндашувлар мавжудлиги, хусусан, бир гуруҳ олимлар фикрича, ҳақоратнинг даражасини аниқлашнинг энг муҳим мезони бу айбдорнинг ўзи, яъни субъектив мезон саналиши қайд этилган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, ҳақоратнинг даражасини аниқлашда умум эътироф этилган ахлоқий нормаларга асосланиб, шу билан бирга субъектнинг индивидуал ўзига хос жиҳатларини (ҳомилдорлиги, жисмоний ва рухий касал ҳолатда эканлиги ва бошқалар) инobatга олиб ҳар бир алоҳида ҳолатларда суд томонидан баҳоланиши лозим.

Сабаби, кўпчилик ҳолатларда аниқ бир вазиятларда оддийгина имо-ишора, сўз ёки ибора айбдор томонидан ўз кадр-қиммати ва инсоний туйғуларини таҳқирлаш сифатида қабул қилиниши мумкин. Шу боис, фақатгина суд қонунга асосланиб ўз ҳуқуқий онгидан келиб чиққан ҳолда айбдорнинг психологик ва индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ҳақоратни оғир, деб топиши мумкин.

Амалиётда жабрланувчи томонидан қилинадиган ҳақорат одатда айбдорнинг шахсий хусусиятлари ёки унинг оиласига ёхуд у учун кадрли бўлган инсонга қаратилган бўлади ва бу ҳақорат турли имо-ишоралар, ҳақоратомуз гаплар ёки атрофдагиларнинг кулгусига олиб келувчи қилиқлар орқали амалга оширилади.

Мазкур боб доирасида аффект таркибли жиноятларнинг субъектив белгилари ҳам таҳлил қилинган. Аффект ҳолатида рухий четга оғиш кузатилмайди, шундай экан ақли норасоликнинг тиббий мезонлари ҳам мавжуд

эмас. Юқорида назарда тутилган нормани қўллашнинг зарурий шарти кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг айбдор томонидан содир этилган ғайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида юзага келганлигидир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур нормаларда психологик аффе́кт эмас, балки виктимологик (жабрланувчининг жиноятни келтириб чиқаришдаги роли) асосларда пайдо бўладиган аффе́кт назарда тутилган.

Шундай экан, ЖК 98, 106-моддалари билан шахсни жавобгарликка тортиш учун субъектда аффе́ктнинг айнан қайси шакли юз берганлигини аниқлаш лозим. Чунки, аффе́ктнинг патологик шакли шахсни ақли норасо ҳолатда ҳаракат қилганлигини англатади ва жиноятни истисно қилишга олиб келиши мумкин. Физиологик, кумулятив ва бошқа шаклдаги аффе́кт ҳолатлари эса ақли расоликни инкор қилмайди ҳамда шахс содир этган қилмиши учун тўлиқ жавоб беради.

Аффе́кт ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилишдаги муаммо кўпинча мазкур тоифадаги жиноятларни ўхшаш таркибли жиноятлардан, хусусан, ЖК 97-моддаси 1-қисм, 97-модда 2-қисм «ж» банди, 100-модда, 101-модда, 104-модда 2-қисм «в» банди, 105-модда 2-қисм «г» банди, 107-модда, 108-моддалардан тўғри фарқлашда вужудга келади.

Мазкур тоифадаги жиноятларни ўзаро фарқлашда субъектив томоннинг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, жиноят содир этишга бевосита таъсир кўрсатувчи кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатининг мавжудлиги инобатга олинishi лозим.

Бу ўринда шунга эътибор қаратиш лозимки, жиноят қонуни фақатгина жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларига жавоб таъсири тариқасида юзага келган аффе́кт ҳолатида жиноят содир этганлик белгиси учунгина мазкур тоифадаги жиноятларни енгиллаштирувчи таркиб, деб белгилайди. Бу жиноятларда қасднинг вужудга келиш вақтини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. ЖК 98, 106-моддалари таҳриридан кўриниб турибдики, мазкур жиноятларда жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларига жавоб таъсири тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолати натижасида вужудга келади. Айнан жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори жиноятнинг вужудга келиш сабабини ташкил этади.

Бу ўринда фақатгина ғайриқонуний хатти-ҳаракат устида сўз бормоқда, агар жабрланувчи зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зўрлик ҳаракатларини айбдорга нисбатан татбиқ этиши натижасида вужудга келган аффе́кт ҳолатида содир этилган тақдирда қилмишни ЖК 98, 106-моддалари билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда узок вақтдан буён рашк мотиви остида вужудга келган аффе́кт ҳолатида содир этилган жиноятни квалификация қилиш масаласи мунозарали мавзулардан бирига айланиб улгурган. Бу масалада олимларнинг фикрлари ҳам иккига бўлинган. Биринчи тоифа олимлар бу каби мотив билан вужудга келган жиноятларни ЖК 98, 106-моддалари билан квалификация қилиш лозим, деган фикрни илгари сурсалар, иккинчи тоифа олимлар эса қилмишни бу тарзда квалификация қилишга қарши фикр билдириб ўтган.

Диссертациянинг **«Аффе́кт ҳолатида содир этиладиган**

жиноятларнинг криминологик тавсифи» деб номланган учинчи бобида аффект ҳолатида жиноят содир этган жиноятчи шахсининг ижтимоий-психологик тавсифи, ушбу жиноятларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари атрофлича таҳлил қилинган.

Жумладан, аниқ бир хулқ-атворнинг шаклланишида бир неча маротаба такрорланиш натижасида юзага келадиган «руҳий кўзғалишларнинг тўпланиши» жараёни муҳим роль ўйнайди. Бир хил шаклдаги хулқ-атворнинг такрорланиши натижасида шахсда худди шу шаклдаги вазият пайдо бўлганда тўсатдан ҳаракатланадиган хулқ-атвор тури вужудга келади. Бу ҳолатда гап аниқ бир ҳаётий вазиятга нисбатан шахснинг ижтимоий хавfli ҳаракатлар билан жавоб бериш жараёни ҳақида бормоқда. Шахс бу шаклда реакция қилишга руҳий жиҳатдан тайёр бўлса-да, кўпчилик ҳолатларда ўз ҳаракатларини чуқур англамайди ва унинг ўз ҳаракатларини оқлашга қаратилган мотивлари кўпинча юзаки характер касб этади.

Аффект ҳолатида хулқ-атвор шаклини танлашда субъектнинг айнан қайси ижтимоий қадриятга зарар етказишга уринмоқчилиги муҳим роль ўйнайди. Бундай фикрга келишимизга сабаб, ҳатто аффект ҳолатида ҳам шахс ўзи учун жуда қадрли бўлган объектга зарар етказишга қўли бормайди.

Шу сабабли, юқори ҳуқуқий онг даражасига эга бўлган шахс ўч олиш эҳтиёжини қондириш учун бўлса-да аффект ҳолатида қасддан одам ўлдиролмайди. Юқори ҳуқуқий онгнинг таъсири туфайли шахснинг одам ўлдириш хулқ-атвор шаклини амалга ошириш даражаси пасайиб кетади. Бу каби ҳолатларда одам ўлдириш содир этилиши учун иродавий кучланиш зарур ва унинг таъсирида одам ўлдириш хулқ-атвор шакли сифатида шахс томонидан қабул қилинади.

Бу ўринда қотилнинг психикасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар кўрсатишича, кўпчилик (76%) маҳкумлар содир этган жиноятлари таснифи бўйича ўзларини фақат тергов ва суд муҳокамасида айбдор деб ҳисоблаб, ўз қилмишларига пушаймон бўлишган. Қолганлари ўз айбларини тан олишмаган (5,5%) ва баъзилари қисман тан олишган (18,8%).

Тўғри, кимдир томонидан содир этилган зўрлик, ҳақорат қилиш ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар жамиятдаги ахлоқий нормаларга амал қилувчи ҳар қандай шахсда ҳам салбий жавобни қайтаришига ёки негатив эмоцияни намоён қилишга сабаб бўлиши мумкин, аммо ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлган шахсда жавоб реакцияси «кўзғатувчи»га зарар етказиш шаклидаги хулқ-атвори содир этишга олиб келмайди.

Диссертант ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлган шахс қандай кучли руҳий ҳаяжон бўлишига қарамасдан ўз ҳаракатларига ҳуқуққа хилофлик нуқтаи назаридан танқидий баҳо бера олади, инсон организми ҳатто руҳий бузилиш ҳолатларида ҳам у ёки бу вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатувчи кучли мослашувчанлик қобилиятига эга, деган хулосага келган.

Ўрганилаётган жиноятларнинг ўзига хослиги шундаки, аффект ҳолатида жиноят содир этган шахс хулқ-атвори нафақат унинг шахсини тавсифловчи салбий хусусиятлар (жамиятда ўрнатилган нормаларга зид зарарли одатлар ва қарашлар), балки шахснинг шаъни ёки қадр-қимматига қилинган ғайриқонуний

тажовузларга нисбатан ўз муносабатини билдириш орқали жамиятда адолатни ўрнатишга бўлган айбдор позициясини ифодаловчи ижобий жиҳатлар ҳам таъсир кўрсатади.

Кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш маълум қийинчиликларга эга бўлиб, бу қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, бу каби жиноятларда айбдор ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятини чекловчи нотабий эмоционал ҳолатни бошидан ўтказиши; иккинчидан, кўриб чиқиладиган жиноятлар вазиятга боғлиқ равишда вужудга келади ва ўзида «тасодифийлик» характерини касб этади. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар турлича бўлиши мумкин.

Ўтказилган статистик тадқиқотларнинг таҳлиliga кўра, 2014–2018 йилларда ЖК 98, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 84,4% эркак жинси вакиллари томонидан, 16,6% эса аёллар томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг аксарият қисми етарли даражада таълим ва қуйи даражадаги маданиятли шахсларни ташкил этганлиги ҳам диққатга сазовор. Таҳлил қилинган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 20,1%и умумий таълим босқичини тугатган бўлса, ўрта-махсус маълумотлилар эса 77,6%ни, олий маълумотлилар эса 2,9%ни ташкил этади.

Аффект ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жиной жавобгарликка тортилган шахсларнинг 55%и меҳнат фаолият билан шуғулланса, 45%и эса ўқиш ёшдагиларни ташкил этади.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, мазкур тоифадаги жиноятларни содир этган маҳкумларнинг 22,3 %и у ёки бу даражадаги жисмоний ёхуд рухий нуқсонларга эга бўлган бўлиб, унинг 11,7 %ида рухий-психик зўриқишга оид касалликлар аниқланган. Ушбу кўрсаткич ҳам, аффект ҳолатидаги жиноятларни тавсифлашда айбдорнинг индивидуал психик ҳолатини ҳам инобатга олиш лозимлигини англатади.

Диссертант аффект ҳолатидаги жиноятлар эркаклар ва аёллар томонидан содир этилишининг ўзига хослиги, уларнинг криминологик тавсифини ишлаб чиққан. Жумладан, жамият ва оилада аёлларни тутган ўрни, оила ҳақидаги ғамхўрлик қилиш юкининг кўпчилик ҳолатларда аёллар зиммасига тушаётганлиги кўпчилик аёллар томонидан содир этиладиган мазкур тоифадаги жиноятларни ўзига хос жиҳатларини намоён қилади. Шунингдек, эр ёки отанинг алкоголь маҳсулотларга ружу қўйганлиги, мутгасил равишда оила аъзоларининг ҳақорат қилиниши, эркак кишининг хиёнати ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар аёл руҳиятига зарар етказиши ва уни аффект ҳолатига тез чалинишига замин яратиши аниқланган.

Аксинча, аффект ҳолатида эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятчилик мазкур тоифадаги аёллар жиноятчилигига нисбатан эркак шахсининг бесабрлиги ва тез хафа бўлишлиги, ғурур ва қадр-қимматга етказилган зарарга нисбатан кескин реакция билдирилиши билан ажралиб туришини кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи фикрича, аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг умумий профилактикаси қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ: биринчидан, аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг олдини олишда нафақат жиноят содир этишга олиб келувчи дастлабки ва асосий сабабларнинг олдини олиш, балки ушбу сабаб ҳамда омиллар таъсирига тез дучор бўладиган шахсларни тарбиялаш лозим; иккинчидан, мазкур тоифадаги шахсларни тарбиялашда уларда жамият учун фойдали сифатлар ва қадриятларни шакллантириш, юзага келган турли руҳий қийинчиликлар ҳолатида салбий руҳий кечинмаларни ўз хулқ-атворида ифодаланмаслиги учун курашиш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими шахсни ёшлиқдан тарбиялашда нафақат ўзини тутиш маданиятига, балки эмоционал маданиятни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

«Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Аффект психологик тушунча сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 98, 106-моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати сифатида назарда тутилган бўлиб, у ўз моҳиятига кўра бир вақтнинг ўзида психологик, жиноят-ҳуқуқий, психологик экспертиза каби соҳаларда қўлланилади.

